



ТИҚХММИ

Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Хўжалигинин  
Механизацияланган Муҳандислари Институти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ



“ҚИШЛОҚ ВА СУВ  
ХЎЖАЛИГИНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ”

мавзусидаги анъанавий **XX** - ёши  
олимлар, магистрантлар ва  
иқтидорли талабаларнинг илмий  
- амалий анжумани

20

**XX** - traditional Republic  
scientific - practical conference of  
young scientists, master students  
and talented students under the  
topic

“THE MODERN PROBLEMS OF  
AGRICULTURE AND WATER  
REOURCES”

МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

III қисм

Тошкент – 2021 йил, 25 – 26 май



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

---

**“ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ”**  
*мавзусидаги анъанавий XX – ёши олимлар, магистрантлар ва иқтидорли  
талабаларнинг илмий-амалий анжумани*

**МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ**

**III -ҚИСМ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

## ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА ТАРКИБИ

1	Умурзаков Ў.П.	Раис ТИҚХММИ ректори, профессор
2	Мирзаев Б.С.	Раис ўринбосари, Биринчи проректор, т.ф.д.
3	Султанов Т.З.	Раис ўринбосари, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, т.ф.д.
4	Худаяров Б.А.	Раис ўринбосари, Ўқув ишлари бўйича проректор, т.ф.д.
5	Чориев Р.К.	Раис ўринбосари, Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор, п.ф.д.
6	Хасанов Б.У.	Раис ўринбосари, Молия-иктисод ишлари бўйича проректор, профессор

### Аъзолар:

7	Матякубов Б.Ш.	Илмий-тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи профессор
8	Янгиев А.А.	Магистратура бўлими бошлиғи, т.ф.д.
9	Фатхуллаев А.М.	ГМ факультети декани, доцент
10	Хасанов Б.Б.	ГТҚ факультети декани, профессор
11	Шовазов Қ.А.	ҚҲМ фаультети декани, доцент
12	Норов Б.Х.	ГИМ факультети декани, доцент
12	Исаков А.Ж.	ҚСХЭТ факультети декани т.ф.д.
14	Нарбаев Ш.К	ЕРБ факультети декани, (PhD)
15	Хакимов Р.	СХТЭвАБ факультети декани, доцент
16	Хамидов Ш.Х.	Типография бошлиғи
17	Ирисов Ф.Қ.	Касаба уюшмаси раиси
18	Холматов З.М.	Иқтидорли талабаларнинг илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш бўлими бошлиғи
19	Акбаров Д.М.	Иқтидорли талабаларнинг илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш бўлими ходими
20	Муталов А.А.	Иқтидорли талабаларнинг илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш бўлими ходими
21	Хуррамов М.Х.	Иқтидорли талабаларнинг илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш бўлими ходими
22	Тўлаганов М.	Иқтидорли талабаларнинг илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш бўлими ходими

**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти (ТИҚХММИ), 2021**

	Якубжанов У -талабалари		
25.	Абдиназарова Ф.У. – ТИҚҲММИ ҚФ АРМ бўлим бошлиғи Хушвақтов Р.Б. – ТИҚҲММИ ҚФ Девонхона бўлим мудири Собирова М.С.- - ТИҚҲММИ ҚФ, магистр	Кишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини такомиллаштириш	491
26.	Хабибуллаева Умида – магистранка	Особенности развития инновационных процессов в сельском хозяйстве	495
27.	Юлдашева И.З.- катта ўқитувчи, Байдуров У., Махмараимов О магистранти	Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришнинг муҳим омилидир.	501
28.	Юлдашева И.З.- катта ўқитувчи, Махмараимов О., Байдуров У. - магистранти	Сув истеъмолчилари уюшмаларида сув ресурсларини хуқуқий бошқариш йўллари	504
29.	Холиқулов Муҳаммад Абдурасул ўғли ТИҚҲММИ магистранти	Кишлоқ ва сув хўжалигида инновацион технологияларни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлили	508
30.	Холматова Нигина Рустам қизи – докторантка	Организационно-экономические проблемы внедрения цифровых технологий на предприятиях сельского хозяйства узбекистана	512
31.	Ш.И.Хаджимухаммедова доцент А.К . Турдымуратова бакалавр	Влияние налоговой концепции на рынок труда	517
32.	У.З.Алимов –докторант	Полизчилик тармоғини самарадорлигини оширишнинг объектив зарурияти ва унга таъсир этувчи омиллар	520
33.	Жураев Ж. Ж., студент, Абдуразакова Н.М., доц., к.э.н., ТИИИМСХ	Анализ экономического потенциала производства хлопка-сырца в узбекистане и перспективы повышения его эффективности	525
34.	Сатторов Орифжон Боймуротович ассистент Халилова Мафтунна Рахмоновна талаба	Модернизациялаш шароитида интенсив боғдорчиликни ривожлантиришнинг назарий асослари такомиллаштириш	529
35.	О.Б.Сатторов мустақил тадқиқотчи М.Халилова талабас	Интенсив боғдорчилик соҳасида фермер хўжаликларини иқтисодий самарадорлигининг тенденциялари	532

## Список использованной литературы

1. Микроэкономика теория и российская практика Учебник 1999 год
2. У.Х. Нигмаджанов «Экономическая теория» 2010 год
3. Н.И. Базилев, С.П. Гурко, М.Н. Базылева «Экономическая теория» 2003 год
4. Налоговая система Республики Узбекистан
5. Указ Президента Республики Узбекистан

## ПОЛИЗЧИЛИК ТАРМОФИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРИЯТИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

**У.З.Алимов – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти таянч докторанти**

### Аннотация

Мақолада полиз маҳсулотларининг аҳамияти, уни етиштиришнинг зарурати тўғрисида маълумотлар атрофлича ёритиб берилган ва малакатимизда етиштирилаётган полиз маҳсулотлари ҳосилдорлигига тасир этувчи омиллар таҳлили келтирилган.

**Калит сўзлар:** полиз, витамин, FAO, JSST, пархез, озуқа манбаси,

Полиз маҳсулотлари Ўрта Осиё халқларининг энг асосий озуқа манбаси эканлигини П.М.Жуковский (1933) алоҳида таъкидлаган, халқимиз овқатланишида донли экинлардан кейинги ўринда қовоқдошлар асосий ўрин олиши маълум қилинган.<sup>29</sup>

Аҳоли истеъмол товарлари таркибида асосий ўрин олган полиз маҳсулоти қовун ҳисобланади. Қовуннинг тўйимлилик даражасини таркибидаги қандлар белгилаб беради. Қовун таркибидаги қанд миқдори навига қараб турлича нисбатда бўлиши мумкин, энг ширин қовун мевасининг таркибидаги қанд даражаси 20 фоизигача ташкил этади. Маҳсулот таркибида кишилар саломатлиги учун зарур бўлган С, А, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, РР витаминлари, шу билан бирга калций, фосфор, калий, магний ва темир моддалари мавжуд. Тарвуз меваси таркибида А, С, Е ва В гурухга киравчи витаминлар мавжуд. Бундан ташқари тарвуз ликопин, ниацин, тиамин моддаларини ҳам сақлади. Қовуннинг тўйимлилик даражаси (калорияси) 100 грамига 39 кКал ни, тарвузники 38 кКал ни, қовоқда 29 кКал ни ташкил этади шу сабабли қовун пархез маҳсулот ҳисобланади ва шифобахшик ҳусусиятига эга. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан аҳоли жон бошига ҳар куни 270 граммдан полиз маҳсулотлари истеъмол қилиши тавсия этилган, бу кунлик 100 грамм тарвуз, 150 грамм қовун ва 20 грамм қовоқ истемолига тўғри келади. Демак йиллик полиз маҳсулотлари истеъмол меъёри 98 килограммни ташкил этиб, жумладан 36,5 кг тарвуз, 54,5 кг қовун ва 7 кг қовоқ ташкил этади.

<sup>29</sup>П.М.Жуковский Земледельческая Турция (Азиатская часть — Анатolia). — М.; Л.: «Сельхозгиз», 1933

Бизга маълумки полиз маҳсулотлари қадимдан халқимиз ўртасида шифобахш маҳсулот сифатида ишлатиб келинади. Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарида полиз маҳсулотларининг шифобахш ҳусусиятлари ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Жумладан: “Қовуннинг эти ва айниқса уруғи етилтирувчи ва тозаловчидир. Терини тозалайди, айниқса уруғи ва ичидаги бошқа нарсалар сепкил, дод ва бошнинг кепагини йўқотишда фойда қиласди. Қовуннинг етилгани ҳам, хоми ҳам сийдик ҳайдайди. Айниқса буйраги ва қовуғида майда тошлар бўлган беморлар учун фойдалидир” деб тариф берилган. Ибн Сино тарвузни жигар касалликларини даволашда ва сийдик ҳайдаш дориси сифатида тавсия беради. Тарвуз мевасидан тайёрланган шарбат сийдик ҳайдаш ҳусусиятига эга.<sup>30</sup> Шу ҳусусияти билан тарвуз юрак, буйрак ва жигар касалликларини давоси сифатида истеъмол қилинади. Бундан ташқари тарвузни халқ табобатида сарик касални даволаш, безгак хуружида, бронхит, ревматизм, буйрак касалликларига даво сифатида тавсия қилинади.

Бундан ташқари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (JSST) томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, дунёда 840 миллиондан ортиқ одам тўйиб овқатланмайди, бу дунёning ҳар саккизинчи одамида витаминлар етишмаслиги билан боғлиқ муаммога дуч келишини англатади. Полиз маҳсулотларининг витаминларга бойлиги, пархезбоп маҳсулот эканлиги, бу тармоқни ривожлантириш учун зарурат яратади.

Полизчилик тармоғи ўзига хос ҳусуиятга эга бўлиб, етиштириш ва сотища алоҳида ёндашувни талаб этади. Тармоқни ривожлантириш учун худуднинг ҳусусиятлардан келиб чиқиб тасир қилувчи турли хил омиллар мавжуд.

Ўзбекистонда етиштирилаётган полиз маҳсулотларининг барқарорлигига таъсир этувчи омилларни икки гурухга бўлишимиз мумкин. Булар қўйидагилар:

- Ижтимоий-иктисодий ва маданий омиллар;
- Ишлаб чиқариш омиллари

Ижтимоий-иктисодий ва маданий ва ишлаб чиқариш омиллариполиз маҳсулотлари ишлаб чиқаришда таъсир этувчи асосий омиллар гурухи ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш омилларига биз, қишлоқ хўжалигини кредитлаш тизими, ер ресурслари ва улардан фойдаланиш тизими, қишлоқ хўжалигида ахборотларда фойдаланиш, минерал ва маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш ва бошқа шу каби омилларни киритишмиз мумкин. Ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳамда ишлаб чиқариш омиларининг полиз маҳсулотларини етиштиришда турли хил давлатларда турли хил даражада тасир қилиши натижасида ҳосилдорлик даражасида фарқлар вужудга келади (1-жадвал). Дунёда полиз маҳсулотлари етиштиришда етакчилик қилаётган Хитой, Туркия, Испания, Эрон ва бошқа давлатларда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган омиллар тармоқнинг барқарор ривожланиши учун салбий тасири кам сезилмоқда. Тарвуз етиштиришда Хитой, Туркия, Испания ва АҚШ давлатларида ҳосилдорлик ўртача ҳар гектар экин майдони учун 40 килограммдан юқори бўлиб, тармоқнинг рентабеллик даражаси сезиларли даражада юқори бўлиб келмоқда. Дунёда тарвуз етиштиришда етакчи давлатлардан ҳисобланган Бразилия, Ҳиндистон ва Қозогистонда ҳар бир гектар экин майдони учун тарвузнинг ҳосилдорлиги 20-25 килограммни ташкил қилиб келмоқда. Ўзбекистонда тарвуз етиштириш 2017-2019 йилларда ҳар бир гектар экин майдонида ўртача мос равища 39,8 кг, 35,7 кг, 41,6 кг.ни ташкил этди. Қовун етиштиришда етакчилик Хитой, Туркия, Эрон ва Ҳиндистонга тегишли бўлиб, ҳосилдорлик Хитой ва Испанияда юқори кўрсаткичларга эга. Полиз маҳсулотлари

<sup>30</sup> Абу Али ибн Сино “Тиб қонунлари” Тошкент 1993 йил

етиширишда ер ресурслари ва улардан фойдаланиш тизими, қишлоқ хўжалигини кредитлаш тизими, қишлоқ хўжалигида ахборотларда фойдаланиш тизимининг тўғри ташкил этилгани, тармоқнинг барқарор ривожланиш учун тасир этувчи бошқа минерал ва органик ўғитлардан фойдаланиш, сув билан таъминланганлик, касалликларга қарши курашиб ҳамда консалтинг хизматларини ташкил этиш каби омилларнинг бошқарилиши юқори ҳосилдорлик гарови ҳисобланади. Қуйида полизчилик тармоғининг барқарор ривожланишига таъсир этувчи омилларнинг тасифи келтирилган.

## 1-жадвал

### 2017-2019 йилларда дунёда етиширилган полиз маҳсулотлари (тарвуз, ковун) майдони, ялпи ҳосили ва ҳосилдорлик қўрсаткичлари

№	Давлат номи	2017 йил						2018 йил					
		Тарвуз			Ковун			Тарвуз			Ковун		
		Экин майдони (минг га)	Ялпи ҳосил (минг т)	Ҳосилдорлик (т/га)	Экин майдони (минг га)	Жами ҳосил (минг т)	Ҳосилдорлик (т/га)	Экин майдони (минг га)	Жами ҳосил (минг т)	Ҳосилдорлик (т/га)	Экин майдони (минг га)	Жами ҳосил (минг т)	Ҳосилдорлик (т/га)
1	Хитой	1530,1	63357,9	41,4	353,8	12395,7	35,0	1528,5	61757,7	40,4	380,6	13220,3	34,7
2	Туркия	93,7	4011,3	42,8	82,3	1813,4	22,0	93,0	4031,2	43,3	78,9	1753,9	22,2
3	Эрон	70,3	1697,8	24,5	62,8	1444,8	23,0	60,5	1459,7	24,1	41,4	892,3	21,6
4	Миср	38,7	1232,3	31,8	24,1	642,2	26,6	44,0	1431,9	32,5	25,6	680,4	26,6
5	Испания	20,0	1113,2	55,6	20,5	655,7	32,0	20,4	1092,4	53,5	19,0	664,4	35,0
6	АҚШ	43,7	1842,4	41,7	30,3	850,9	28,1	45,1	1771,1	39,3	29,6	836,9	28,3
7	Бразилия	103,2	2313,0	22,4	23,4	541,3	23,1	102,0	2244,0	22,0	23,3	581,5	25,0
8	Ҳиндистон	91,0	2182,0	24,0	50,0	1097,0	21,9	101,0	2520,0	25,0	54,0	1231,0	22,8
9	Қозоғистон	54,6	1281,6	23,5	38,8	812,5	20,9	53,6	1248,6	23,3	42,0	893,9	21,3
10	Ўзбекистон	51,0	2031,0	39,8				51,4	1837,0	35,7			2
11	Дунё бўйича	3109,3	100954,6	32,5	1031,3	26665,2	25,9	3120,4	100458,9	32,2	1026,1	27040,6	26,4

Манба: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.<http://www.fao.org/faostat/en/#data/QC/visualize>

### Ижтимоий-иқтисодий ва маданий омиллар

Замонавий технологияларнинг ривожланиши ва саноатдага ўзгаришлар қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган деҳқонлар уй хўжалигига бевосита таъсирини ўтказди. Қишлоқ хўжалигидан бошқа соҳа ва тармоқларда иқтисодий манфаатдорликнинг жадал ўсиши, яшаш ва ишлаш шароитларининг яхшиланиши натижасида соҳа ривожига хисса қўшиши мкумкин бўлган кадрлар тақчилигига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари қишлоқ жойларда аҳоли озиқ-овқат хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш, санитария, сифатли таълим олишда муаммоларга дуч келмоқда. Аҳолида шаклланган қишлоқ хўжалиги маданияти экин турларини танлашга ўз таъсирини ўтказади. Собиқ совет иттифоқи даврида сиёсий ва

иқтисодий омиллар таъсирида шаклланган қадриятлар натижасида аҳоли уй хўжалигида экинларни танлайди. Полиз маҳсулотларини томорқа ва кичик майдонларда етиштириш маданияти шаклланмаган.

### **Ер ресурслари ва улардан фойдаланиш тизими**

Ер инсоннинг ҳар қандай фаолиятида асосий восита сифатида аҳамиятли ҳисобланади. Сўнги йилларда қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган суғориладиган ерлар турли хил омиллар (саноат зоналари қуриш, ерларнинг шўрланиши, туар жойлар қуриш ва бошқалар) таъсирида қисқариб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш технологиялари ўзгариб бормоқда ва қишлоқ хўжалиги ерларининг хажми қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш хажмига таъсири камайиб бормоқда.

Ер унумдорлигининг пасайиши қишлоқ хўжалигида асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Тупроқ таркиби муҳим озуқавий моддаларга эга бўлмаганда эррозияга мойиллиги юқори бўлади. Полиз маҳсулотлари етиштиришда асосан бир йиллик ижара асосида ерга эгалик қилиш шаклининиг қўплиги, сифатсиз тупроқ таркибига эга бўлган ерларда дехқончилик қилишга олиб келмоқда. Ерга эгалик қилишнинг юқорида такидлаб ўтилган шакли дехқонларда тупроқ таркибидаги минерал моддаларни назорат қилиш имконини чеклайди ва бу ўз навбатида ҳосилдорликнинг тушиб кетишига олиб келади.

### **Қишлоқ хўжалигини кредитлаш тизими**

Қишлоқ хўжалигини кредитлаш соҳанинг ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигининг ҳар бир сегменти етарлича капитал билан таъминланган бўлишни талаб этади, чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун зарур бўлган барча ресурслардан фойдаланиш молиявий манбаларга боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида кредитлаш тўғри қўлланилса, капитални шакллантириш ва диверсификацияланган қишлоқ хўжалигини рафбатлантиради, ресурслар унумдорлигини, қишлоқ хўжалигидаги инновацияларни, маркетинг самарадорлигини, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларнинг соғ даромадларини оширади.

### **Қишлоқ хўжалигига ахборотларда фойдаланиш**

Қишлоқ хўжалигига кўп йиллардан бўён дехқончилик ва чорвачилик соҳалари фаолиятида маҳаллий маълумотлардан фойдаланиб келинмоқда. Бу маҳъумотлар авлоддан – авлодга ўтиб келаётган йиллар давомида амалиёт натижасида орттирилган тажрибалар ҳосиласи бўлган маълумотлар ҳисобланади. Маҳаллий дехқонлар ва юқори авлод вакилларининг маълумотлари асосда шаклланган бундай маҳорат полиз етиштирувчи дехқонларнинг ҳосилдорликни ошириб боришлари учун етарли бўлмади. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги тўғрисидаги маълумотларни қишлоқ хўжалиги тўғрисидаги адабиётлар, журнал ва газеталар, радио, телевидения, интернет сайtlари, маҳаллий бошқарув органларининг қишлоқ хўжалиги бўлимлари ва бошқа манбалардан олиш имкониятлари мавжуд. Бироқ кўплаб полиз маҳсулотлари етиштирувчи дехқонлар ахборотларни манбалардан олишда турли хил тўсиқларга дуч келмоқда.

Юқоридагилардан маълум бўлмоқдаки, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ва ишлаб чиқариш омиллари тармоқни барқарор ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Ер ресурсларидан унумли фойдаланиш, тармоқни капитал билан таъминлаш, ахборот алмашиш тизимини тўғри ташкил этиш полиз маҳсулотлари етиштирувчилар даромадларини ошириш ва ҳосилдорликни қўтаришга олиб келади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абу Али ибн Сино “Тиб қонунлари” Тошкент 1993 йил
2. Х.Ч.Буриев О.А.Ашурметов “Полиз экинлари биологияси ва етиштириш технологияси” Тошкент — «Меҳнат» — 2000
3. П.М.Жуковский Земледельческая Турция (Азиатская часть — Анатолия). — М.; Л.: «Сельхозгиз», 1933
4. Silvia Andres Gonzalez-Moralejo, Francisco EstruchSanchis “The Common Agricultural Policy and the Increased Competitiveness of Spanish Regional Agriculture” Journal of Agricultural Science; Vol. 9, No. 6; 2017
5. Ю.А. Быковский, Т.Г. Колебошина «Пути развития бахчеводства в Волгоградском Заволжье» журнал Кartoфель и овощи №7 2015
6. Xiaoyun Li Э”Agricultural Development in China and Africa\_ A Comparative Analysis” 2017
7. <http://www.fao.org/faostat/en/#data/QC/visualize>
8. <http://www.stat.uz>
9. <https://www.globaltrademag.com>
10. <https://app.indexbox.io>
11. <https://agro.uz>

## АНАЛИЗ ЭКОНОМИЧЕСКОГО ПОТЕНЦИАЛА ПРОИЗВОДСТВА ХЛОПКА-СЫРЦА В УЗБЕКИСТАНЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ ПОВЫШЕНИЯ ЕГО ЭФФЕКТИВНОСТИ

Жураев Ж. Ж., студент, Абдуразакова Н.М., доц., к.э.н., ТИИИМСХ

**Аннотация.** Цель исследования – выявление экономических возможностей сельскохозяйственного сегмента Республики Узбекистан в разрезе производства хлопка, структурного его размещения во внутреннем и во внешнем рынках с индексными показателями. Рассматриваются изменения в посевных площадях хлопчатника и его урожайности. В статье анализируется экономическая статистика производства хлопка-сырца за период 2015-2020 гг. интерпретированным методом экстраполяции, сравнительного анализа, научного абстрагирования и гипотетических прогнозов. Научная новизна работы заключается в рассмотрении перспективы повышения эффективности хлопководства в условиях активизации инновационных решений в важнейших его направлениях: переход к кластерному методу в организации производства, селекционные достижения на основе традиционных методов и биоинженерии, созданием генномодифицированного сорта хлопчатника поколения «Порлок», переход к водосберегающим технологиям, снижению трудоемкости отрасли на основе возрождения механизированной уборки урожая и др. с перспективой обеспечения интенсивного экспорта готовой продукции за счёт выпуска высококачественной продукции из отечественного сырья.

В результате определены основные перспективные сорта хлопчатника и механизмы повышения эффективности экспорта хлопка, опосредуемые трансформацией организационной структуры производственного хлопкового сектора в инновационную